Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 19-IYUL, PAYSHANBA, 85 (8010) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ҚАРОРИ**

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

**Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:**

**1.** 2012 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 20 июль кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъзозлаш, мамлакатимизда муқаддас динимизни тиклаш, виждон эркинлигини таъминлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг бой илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасидаги кенг кўламли ишларимизни тарғиб этиш, ушбу қутлуғ ойда амалга ошириб келинадиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

**3.** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**4.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2012 йил 17 июль*

Қорақалпоғистон Республикаси



## ЭЛ ДАСТУРХОНИГА БАРАКА УЛАШИБ...

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида иқтисодий бақувват фермер хўжаликлари сафи тобора кенгаймоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги "Рамуз" фермер хўжалиги — улардан бири.**

Тажрибали деҳқон Шамшиддин Каипов раҳбарлик қилаётган хўжаликда жорий мавсумда 35 гектар майдондаги ғалладан мўл ҳосил олиниб, шартнома мажбурияти ортиғи билан уддаланди. Айни кунларда хўжалик жамоаси асосий эътиборни ғўза парваришига қаратган. 11 гектар майдондаги ғўзанинг серавж ўсиши учун барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилаётир. Шунингдек, хўжаликнинг 12 гектар майдонида полиз экинлари парвариш қилинмоқда.

**СУРАТДА:** *Нукус туманидаги "Рамуз" фермер хўжалиги раҳбари Шамшиддин Каипов ўғли Нурлан билан.*

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## САҲИФАЛАРДА:



ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШДИ 2

ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ 3





ДУНЁ БОҒЛАРИГА САЁҲАТ 8

# ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИГА

## ЗАМОНАВИЙ, ИХЧАМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида жорий йилнинг май ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг “Uzbekistan Agrominitech Expo — 2012” VII халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Унда айтилганидек, Президентимиз ташаббуси билан 2006 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма-савдо мамлакатимиз тадбиркорларига, фермер ва деҳқонларга қишлоқ хўжалик ускуналарини ишлаб чиқарувчи хорижий фирма ва компаниялар билан узоқ муддатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашди, шунингдек, ўзимизда ҳам замонавий ускуналар яратиш ва техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга имкон берди.

Таъкидлаш лозимки, аввал ўтказилган олтита “Uzbekistan Agrominitech Expo” кўргазмаларининг натижаларига кўра, умумий қиймати 135,7 миллиард сўмга тенг 2258 лойиҳа амалга оширилган бўлиб, бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилди. Ички бозорни сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга эришилди.

Кўргазма-савдода дунёнинг 30 та мамлакатидан 220 дан ортиқ компаниялар ҳамда республикамиз ҳудудларидаги фермер ва деҳқон хўжаликларидан 32 мингдан ортиқ вакиллар иштирок этдилар. Улар учун “Минитехнологиялар ва ихчам ускуналар харидини молиялаштириш ва кредитлаштириш шартлари”, “Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш бўйича замонавий минитехнологиялар”, “Сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологиялар” каби мавзуларда семинарлар ўтказилди.

“Uzbekistan Agrominitech Expo — 2012” кўргазма-савдоси ўтказилиш даврида хорижий ишлаб чиқарувчи компаниялар учун барча шароитлар яратилди. Кўргазма-савдо ишида Германия, Италия, Нидерландия, Австрия, Польша, Исроил, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Россия, Украина каби дунёнинг 22 мамлакатидан 100 дан ортиқ минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар иштирок этдилар.

Мазкур кўргазма-савдо мева-сабзавот, гўшт ва сут, ун ва комбикорм, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қадоқловчи жиҳозлар, ўсимликлар муҳофазаси учун кимёвий препаратлар, ветеринария, қоракўлчилик ва чармни қайта ишлаш бўйича минитехника ҳамда миниускуналар каби йўналишларни ўз ичига қамраб олди.

Кўргазма-савдода ўн мингдан ортиқ фермер хўжаликлари, агрофирма, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашдилар.

“Uzbekistan Agrominitech Expo — 2012” якунлари бўйича хорижий компаниялар ва юртимиз тадбиркорлари ўртасида умумий миқдори 79,9 миллиард сўмни ташкил этган 1002 та шартнома ва келишув баённомалари тузилди. Жумладан, 39,7 миллион АҚШ долларига тенг 657 та шартнома ва 40,3 миллион АҚШ долларига тенг 345 та минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун келишув баённомаси имзоланишига эришилди.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббий хизмат сифатини янада ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

# ТИББИЙ ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган туб islоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат даражаси ошиб бормоқда.

— Бепул ва пуллик тиббий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2009-2011 йилларда 10 га яқин норматив ҳужжатлар қабул қилинди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хусусийлаштириш ва пуллик хизматлари ташкил этиш Маркази директори А.Агзамов. — Бир неча марта тиббиёт муассасалари раҳбар ва масъул ходимлари учун ўқув-семинарлари ўтказилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолига кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати ишлаб чиқилиб, тиббиёт муассасаларида сервис хизматларини, фитобарлар, реабилитация бўлимлари, соғломлаштириш марказлари ташкил этиш тартиб-қоидалари ишлаб чиқилди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларга нархларни тартибга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси билан келишилган пуллик тиббий хизматларга тарифларни шакллантириш низоми тасдиқланди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган матбуот анжуманида бугунги кунда аҳоли ўртасида тиббий саводхонлик, тиббий маданиятни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олишди.

**Зулфия АҲМЕДОВА**

Наманган Вилояти

# ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШДИ



## УЧҚЎРҒОН ТУМАНИДА «УЧҚЎРҒОН КРИСТАЛЛ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Бу ерда кунига 20 минг литргача маъданли сув қадоқланиб, аҳолига етказиб берилади. Ишлаб чиқариш жараёни тўла компьютерлаштирилган тизим орқали бошқарилади. Корхонанинг ишга туширилиши натижасида ўттиз нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

– Бу лойиҳанинг биринчи босқичи, – дейди мазкур жамият раҳбари А.Аҳмаджонов. – Иккинчи босқичда корхонамизга қўшимча ускуналар ўрнатилиб, замонавий технология асосида лимонад ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Маҳсулотларнинг 30 фоизини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

**Суратда:** *оператор Аброржон Қаҳҳоров.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Қорақалпоғистон Республикаси

# Ғўза парвариши авжида

**Пахтакорлар учун масъулиятли палла бошланди. Эрта баҳор ерга барака уруғи қадаб, тўлиқ ниҳол ундириб олиш, уни яганалаш, қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ишларини маромида бажарган деҳқонлар ҳосил тақдири ҳал бўладиган айни кунларда ғўзани қондириб суғоришга ҳаракат қилмоқда. Зеро, бундай саратон жазирамасида сувга қонган экин эртага мўл ҳосил беради.**

Буни яхши билган Оролбўйи миришкорлари ўтаётган ҳар бир куннинг қадрига етиб, ғўзани суғоришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Минтақа иқлим шароитидан келиб чиқиб, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ва юқори самарадорликка эришиш мақсадида суғориш ишлари асосан тунда амалга оширилаётир.

Бу ишларга Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 7 минг 993 нафар тажрибали сувчи жалб этилган. Улар ҳар куни 4 минг гектарга яқин майдонга обиҳаёт таратмоқда.

Қониб сув ичган далаларда ҳосил нишонаси – бўлиқ кўсаклар пайдо бўлиб, юксак хирмонга замин ҳозирланмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги кунда 20 минг гектарга яқин майдондаги ғўзаларда ўртача 7-8 тадан, 42 минг гектарда 5-6 тадан, 32 минг гектардан ортиқ ерда 3-4 тадан кўсак тўпланган.

– Ғўза қатор ораларини чуқур юмшатиш ҳосил тўплашда муҳим аҳамият касб этади, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пахтачиликни ривожлантириш ва навлар бўйича жойлаштириш бўлими бошлиғи Дарёбой Қаипов. – Бу ишларни сифатли бажариш учун мавжуд 1 минг 918 культиватордан самарали фойдаланилмоқда. Улар ёрдамида кунига 7 минг 500 гектарга яқин майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда.

Ҳосил шоналарини кўпайтиришда ўсимликни вақтида чилпишнинг ҳам аҳамияти катта. Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикасида ушбу муҳим агротехник тадбир сифатли амалга оширилмоқда. Унга 12 минг 600 нафардан ортиқ киши жалб этилиб, ҳар куни 2 минг 400 гектардан ортиқ майдондаги ғўзани чилпиш ишлари бажарилаётир.

Амударё туманида ҳам ер билан тиллашиб, ғалла ва пахтадан мўл ҳосил олаётган миришкорлар кўп. Бугунги кунда туманда 261 фермер хўжалиги аъзолари 16 минг 400 гектар майдонда ғўза парваришини маромида олиб бориб, 33 минг 730 тонналик хирмон бунёд этиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

Кўп йиллик тажрибага эга деҳқонлардан бири Нурулла Яхшимуратов тумандаги “Юсуфхўжа” фермер хўжалигини бошқаради. Хўжалик деҳқонлари 115 гектар майдонда баравж ўсаётган ғўза парваришини белгиланган тадбирлар асосида амалга оширмоқда.

– Бу йил баҳорнинг ҳар қачонгидан иссиқ келиши ниҳолларнинг бир текис униши ва дуркун ўсишига ёрдам берди, – дейди Нурулла ака. – Ҳозиргача ғўза икки марта қондириб суғорилди. Сувдан кейинги қатор ораларига ишлов беришни жадал олиб бормоқдамиз. Ниятимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб туҳфа сифатида 250 тоннадан ошириб хирмон яратиш.

Ана шундай эзгу ният йўлида фидокорона меҳнат қилаётган фермер хўжалиги аъзолари ҳосил тўплашда энг муҳим агротехник тадбирлардан бири – ғўзани чилпиш ишларини ҳам бошлаб юборди. Нурулла Яхшимуратовнинг айтишича, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилган ушбу агротехник тадбир гектар ҳисобига 5 центнердан қўшимча ҳосил олиш имконини беради.

Оролбўйи пахтакорлари барча агротехник тадбирларни сифатли бажаришга бел боғлаб, мамлакатимизнинг жорий йилги пахта хирмонига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

**А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.**

# ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

***"Унинг аломатларидан** (яна бири) **— сизлар** (нафсни қондириш жиҳатидан) **таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир"** (Рум, 21).*

**Усмонхон АЛИМОВ,**
*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.*

Оила қуриш жаноб Пайғамбаримизнинг *(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)* суннатларидан бўлиб, бир ҳадиси шарифларида айтганлар: "Никоҳ менинг суннатимдир. Кимки менинг суннатимдан воз кечса, у мен (умматим)дан эмас". Биз ушбу ҳақиқатни эътироф этган ҳолда турмуш қуриш, оила тебратиш ва фарзанд тарбияси каби муҳим ишларда диний ва миллий анъаналаримизга риоя этиш билан бирга мамлакатимизда амалда бўлган қонун-қоидаларга ҳам амал қилишимиз зарур.

Никоҳ, оила қуриш доимо долзарб масалалардан ҳисобланиб келган. Ислом динида ҳам, халқимизнинг урф-одатларида ҳам унга эътибор билан қараб, оила мустаҳкамлигини таъминлашда барча бирдек масъул бўлган.

Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг "Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари" тўғрисидаги фатвоси ҳам чиқарилган. Унда: "Шаръий никоҳ шартларига давлатимизнинг никоҳ ва оила тўғрисида қабул қилган қарор ва қонунлари ҳам қўшилади. Масалан, келин-куёв шаръий никоҳдан олдин никоҳни қайд қилувчи давлат идоралари рўйхатидан ўтиб, расмий гувоҳнома олган бўлишлари лозим.

Расмий никоҳдан ўтмаган, ФХДЁ идораси гувоҳномасига эга бўлмаган ёш оилалар ажрашиб, она боласи билан кўчада қолишини ҳисобга оладиган бўлсак, шаръий никоҳ шартларига ушбу гувоҳнома бўлишини ҳам қўшиш жуда ўринлидир. Имомларнинг ФХДЁ гувоҳномасини суриштирмай никоҳ ўқишлари ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини камситиш бўлса, гувоҳномани кўриб, сўнгра никоҳ ўқишлари ҳуқуқий жамият барпо қилаётган бир вақтимизда ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқини муҳофаза қилишдир..." дейилади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг давлат қонунлари билан муҳофазаланган ҳолда қурилиши учун имом-хатибларимиз ҳам масъул экан, улар никоҳни ўқиш чоғида юқоридаги фатвога амал қилсалар, кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинган бўларди.

Никоҳ ва оила масаласига ота-оналар ҳам доимо катта аҳамият беришлари лозим. Улар ўз фарзандларини ёш жиҳатидан оила қуришга тайёр эканликларига тўла қаноат ҳосил қилиб, сўнгра никоҳдан ўтказишлари шарт.

Киши ҳаётида жуда муҳим умр савдоси бўлмиш никоҳ масаласи доимо кенг мушоҳада ва кенгаш билан амалга оширилгани маъқулдир. Шу ўринда Пайғамбаримизнинг *(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)* қуйидаги ҳадиси шарифларини эсга олиш жоиздир: "Қизларнинг турмушга чиқариш тўғрисида оналари билан маслаҳатлашинглар".

Агар бўлажак келин балоғат ёшига етган бўлса ҳам, аммо оила, масъулият, эр ва жамият олдидаги бурч ва вазифаларни англаш ва тасаввур этиш даражасида бўлмаса, у вақтда ўз оиласида ҳам, жамиятда ҳам ўрнини тополмайди ва бахтиёр оила қўрғонининг саодатли аъзоси даражасига етолмайди. Фуқаролик жамиятида қабул қилинган қоидаларнинг ҳам, Ислом шариати ҳукмларининг асл мақсади ҳам аёл ёки эркак бўлишидан қатъи назар, ҳаётда бахтиёр бўлишини, охиратда саодат аҳлидан бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Бизнинг ривожланган жамиятимизда таълим ва тарбия соҳасида қабул қилинган қонунларга риоя қилиш ҳар бир кишининг муҳим бурчи ҳисобланади. Ўрта мактабни тамомлаш, коллеж ёки лицейда бирон-бир касб-ҳунарни эгаллаш, мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида турмуш ва оила кўникмаларини тасаввур қилиш учун бир муддат вақт керак бўлади, албатта.

Президентимизнинг қуйидаги пурҳикмат сўзларини доимо эътиборда тутишимиз зарур. "Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади..."

Мана шундай талабларга жавоб берадиган ёшлар бор, лекин вояга етмаган, аммо ўйламай-нетмай никоҳ аталмиш муқаддас битимга киришганларнинг ахлоқ-одоблари жамият талабларига жавоб берадиган даражада шаклланганми? Улар турмуш аталмиш мураккаб йўлнинг чорраҳаларида тўғри йўлни топа биладиларми?

Қизларнинг жуда ёш турмушга чиқиши ҳақида ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан Ибн Шубурма ва Баттий мутлақо салбий фикрда бўлишган. Ислом шариатида хотин-қизларнинг ҳам илм-маърифатли бўлишларига, ҳаётларида зарур бўлган барча маълумотларни эгаллашларига чақирувчи кўплаб ҳадислар бор. Хусусан, Пайғамбаримиз *(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)* ҳадисларида: "Илм талаб қилиш барча мусулмон эркак ва аёлга фарздир", деб таъкидланган.



Бир нарсага аҳамият беришимиз лозим, қизларнинг балоғат ёши билан турмуш қуриш ёши бошқа-бошқа нарса экани ҳаётда ўз исботини топмоқда. Балоғат ёши дегани — бу камолот ёши дегани эмас. Бунинг устига, ҳозирги давр талаби бутунлай бошқача. Ёшлар мажбурий ўрта таълим босқичларини босиб ўтишлари шарт. Бу эса 9 йил ўрта умумтаълим мактаби, ундан сўнг уч йил коллеж ёки лицей таълимини олиш зарурatidir. Зеро, динимиз таълимотларига кўра, илм олиш, маърифатли бўлиш, ҳаёт учун зарур барча кўникмаларни ўрганиш ҳар бир қиз бола учун ҳам фарздир. Борди-ю, шундан олдин турмуш қурсалар, ўқиш ҳам чала, оила юмушлари ҳам, уй бекалиги ва бошқа барча ишлар ҳам чала бажарилишига йўл очилган бўлади. Илмли ва касб-ҳунарли аёлгина комил инсонни тарбиялай олади.

Эрта, вояга етмасдан турмуш қурганларнинг аксарияти ота-онасининг қарамоғида яшайди ёки ўқувсизлик сабаб турмушига дарз кетади. Бу борада ёш қизларнинг турмушдан кейинги ҳаёти нисбатан оғир кечади. Эрта ҳомиладорлик, нимжон бола туғилиши, рўзғор юмушларидаги тажрибасизлиги боис у эшитадиган таънаю дашномлар охир-оқибатда унинг тинкасиини қуритиб қўяди.

Афсус, ҳозирги кунларда баъзи чаласавод кишилар ўзбошимчалик билан юқорида айтилган никоҳ шартларини сўраб-суриштирмай ёшларга никоҳ ўқимоқдалар. Натижада айрим ёш оилалар ажрашиб, ўртада гўдаклар тирик етим, она эса бир умрга бахтсиз бўлиб қолмоқда.

Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказиляпти.

Шу ҳақиқатни эътироф этган ҳолда таъкидлаймиз: турмуш қуриш, оила тебратиш ва фарзанд тарбияси каби муҳим ишларда диний ва миллий анъаналаримизга риоя қилиш билан бирга оила ва никоҳ ҳақидаги давлатимиз чиқарган қонун-қоидаларга ҳам қатъий амал қилиш зарур бўлади.

**("Ҳидоят" журналининг 2012 йил 6-сонидан олинди)**

Қашқадарё Вилояти

**Қарши тиббиёт коллежида мактаб—коллеж—корхона ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни ишга жойлаштириш, умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

## МАКТАБ—КОЛЛЕЖ—КОРХОНА

### ҲАМКОРЛИГИ БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Унда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармалари мутахассислари, коллеж директорлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар битирувчиларнинг иш жойини олдиндан белгилаш, коллеж ўқувчиларининг бўлғуси иш жойларида амалиёт ўташларини ташкил этиш мақсадида коллежлар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилишида асосий эътиборни нималарга қаратиш кераклиги, ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш масалаларига алоҳида тўхталишди.

Давра суҳбатида мактаб битирувчиларини коллежларга тўлиқ қамраб олишда ота-оналар масъулиятини ошириш лозимлиги ҳақида ҳам амалий таклифлар ўртага ташланди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

▼ ТАДБИРКОРЛИК

# ИШ БИЛГАННИНГ ИШИ БЕШ

**Мирзаободлик ёш тадбиркор Зиёдулла Абдуғаффоров 2004 йилда гўштни қайта ишлаш цехини қуриб, ишга туширган эди. 20 нафардан зиёд ёш ўғил-қизларни иш билан таъминлаган тадбиркор кейинчалик катта ишга қўл уриб, "Мўътадил иқлим" хусусий кичик корхонасини ташкил қилди ва ўтган йили бир кунда 250-300 автомашинага хизмат кўрсатадиган метан газ қуйиш шохобчасини ишга туширди.**

— Аввалига катта сармоя ҳисобига қурилган шохобча харажатларимизни қоплай олармикин, деган хавотирда юрдик, — дейди тадбиркор Зиёдулла Абдуғаффоров. — Ишларимиз тезда юришиб кетди. Укам Лутфулла, рафиқам Маҳмудахон бу ишларни бошлаб, давом эттиришда менга яқиндан кўмакдош бўлишди. Энг асосийси, корхонани ҳамжиҳатликда оилавий юритиб, кўзлаган мақсадимизга эришдик. Мана икки йилдирки, шохобчамиз ходимлари автомашина ҳайдовчилари олқишларига сазовор бўлиб келишаётир. Шохобчада 12 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Унинг ёнида ичимлик суви, музқаймоқ сотиш, йўловчилар дам олиш шохобчаларини ҳам ишга туширганимиз мижозлар сони янада ошишини таъмин этаётир. Айниқса, бу йилги ғалла ўрим-йиғими мавсумида дон ташиш гуруҳларига самарали хизмат кўрсатиб, катта хирмонлар уйилишига муносиб ҳисса қўшдик.

Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаётгани, давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлардан руҳланган ака-ука — Зиёдулла ва Лутфулла Абдуғаффоров яқинда яна бир эзгу ишга қўл уриб, Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғини Янги ҳаёт маҳалласида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган, сиғими салкам 1000 тонналик совиткичхона қурилишини ҳам тугаллашди. Айни пайтда уча жиҳозлаш ишлари охирига етказилмоқда.

— Янги ишга туширилаётган совиткичхонамизда яна 6 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади, — дейди Зиёдулла Абдуғаффоров. — Фақат бу ишлар билан чекланиб қолмай, эндиликда Гулистон шаҳрининг ўзида кенг миқёсда хизмат кўрсатадиган замонавий суратхона очишни ҳам олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Тадбиркор Зиёдулла Абдуғаффоров Янги ҳаёт маҳалласи Янги овул қишлоғига ичимлик суви келтириш, 1,5 километрлик ички йўлларни таъмирлаш, фуқаролар йиғини ҳудудида тикувчилик цехи, ветеринария пункти очиш ишларида ҳам ташаббус кўрсатди.

Унинг саъй-ҳаракатлари билан ҳудудда чиқиндиларни тартибли равишда алоҳида чекка жойга чиқариш, Баҳористон, Йўлдошобод, Нурафшон ва Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғинларида қишлоқларни ободонлаштириш, мавжуд йўлларни таъмирлаб тартибга келтириш, ичимлик суви таъминоти, аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида ечимини кутаётган масалалар ўз вақтида бартараф этилди. Энг асосийси, ташаббускор тадбиркор астойдил тер тўкиб изланаётгани, ишлаётгани учун ҳам эл-юрт ҳурматини қозонаётир.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

# Фермернинг ҳар куни қизғин иш куни



**Ўткир ака ҳар кунги одати бўйича бугун ҳам саҳарлаб далага отланди. Катта йўл бўйида "Нексия"сини тўхтатиб, аввал каналдан сув тортаётган насосдан хабар олди. Агрегат бир маромда ишламоқда. Ариққа қувурдан шариллаб тушаётган сув чор атрофга ўзгача салқинлик бахш этади. Ёз чилласидаги тонг насими тунги димлик шаштини анчайин тушириб, майин эсмоқда. "Сув таралган пайкалдаги ғўзалар, айниқса, тонгда мазза қилади-да", кўнглидан ўтказди у. Сўнг шийпонга қараб юрди. Ҳа, Пискент туманидаги "Ўктамов Аброр" фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Маҳмудовнинг иш куни бошланди.**

Қарийб тўрт юз метрлик масофага асфальт ётқизиш мақсадида ўтган ҳафта шағал келтириб ёйдирганди. Анчайин зичлашиб, босилиб ҳам қолибди. Энди асфальт тўшаса ҳам бўлади. Йўлнинг икки томонига то шийпонгача экилган гуллар қийғос очилган. Буни кўриб, фермернинг завқи ошди, кайфияти кўтарилди. Тунов куни ҳокимликдаги йиғинда туман раҳбарларидан бири "миришкор фермерлар даласида бир қарич бўш жой қолдиришмаган, барака топишсин, ҳатто тўрт юз метр масофага ариқ бўйига эринмай тўлдириб гул экканлар ҳам бор", деганида бизнинг далани назарда тутган чамаси", яна кўнглидан кечирди у. Шийпонда ошпаз Манноб Мажидов атрофга сув сепиб, аллақачон дастурхон тузаб қўйибди. Жамоа учун экилган пайкалдаги сархил резавору сабзавотлардан, қовун-тарвузлардан ҳам олиб чиқибди.

— Тунаб қолдингизми дейман, ака, — ошпаз билан саломлашар экан сўз қотди у. — Мендан ҳам олдин келибсизми?

— Бунақа тонгни далада қаршилаш бошқача-да, — жавоб қайтарди ошпаз. — Сувчиларга барвақт нонушта тайёрлай, дедим-да.

— Бўлмаса бугун тушликка катта ош қилинг, ғалла шартномасини ҳам уддалаб олдик. Бир паловхўрлик қилайлик. Сўраганларга бугун сомон берамиз. Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин учун сув оламиз.

Шундай деб ғўза пайкаллари оралаб кетаркан фермернинг кўнглидан: Кўз тегмасин, ҳадемай экинлар белга уради. Ҳар туп ғўзада ҳозирдан 6-7 донадан бўлиқ кўсак бор. Гуллари тобора кўпайиб, ҳосил тугунчалари сони кун сайин ортиб боряпти. Иш шу маромда кетса, август ойида бўлажак хирмон тақдири кўнгилдагидек ҳал бўлади. Насиб этса, хирмонимиз юксак, юзимиз ёруғ бўлади, — деган ўй кечди. Ўткир ака ушбу ерларни фермерликка қабул қилиб олганида кўпчилик "Яхши майдонга тушмадинг-да, шароити анча оғир, насосдан сув ичади, этаги жарлик, кутилган ҳосилни ололармикансан", дейишганди. Ҳаммаси астойдил ҳаракат, ҳалол меҳнатга боғлиқ экан. Мана қийинчиликлар ортда қолди. Бу йил ғалла ўтган йилгидан яхши бўлди. Насосдан сув ичса ҳам 32 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46 центнердан ошириб ҳосил олишди. Насибага лойиқ ўзларига ҳам қолди. Қарийб 40 гектарлик пахта майдонидаги экинлар ривожи ҳам баравж. Худо хоҳласа, ҳосил гектаридан 38-40 центнердан кам бўлмайди. Ерни боқсанг, ер сени боқади, деб бежиз айтишмаган экан. Тунги суғориш, "шарбат" оқизиш ўз натижаларини беряпти. Минерал ўғитларнинг кучи ҳам ғўзада мана энди акс этяпти.

Тушлик маҳали "Ўктамов Аброр" фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Маҳмудов бир пиёла чой устида жамоа аъзолари билан юракдан суҳбатлашиб олди. Аввал кимда қандай муаммо бор, оиласига нима керак, суриштириб билди. Чорваси бор фермер хўжалиги аъзоларига сомон тақсимлаб берди. Ғалладан улуш олганлар меҳнатлари рағбатидан янада қувонишди. Фермер хўжалиги механизатори Шомурод Иброимқуловга, сувчилар Абдуллажон Маҳмудов, Обиджон Зоитов ҳамда Атамурод Ибраимқуловларга шу кунларда алоҳида фаоллик кўрсатиб меҳнат қилаётганликлари учун миннатдорчилик билдирди. Чопиқчилар — Ғуломжон Тошматов ва Яминхон Азимовлар саъй-ҳаракатини алоҳида эътироф этди.

— Олдимизда қирқ кунлик зарбдор палла турибди, — деди Ўткир ака. — Мана шу муддат пахта ҳосили тақдирини тўла ҳал этади. Ҳар биримиз ишга масъулият билан ёндашсак, албатта, кўзлаган маррани забт этамиз. Бундан буён ғўза қатор ораларига агротехник ишлов беришни, озиқлантиришни, айниқса, тунги суғоришни кучайтиришимиз керак.

...Далага оқшом чўкди. Кун бўйи ариқдан чиқмай, чўмилишга тўймаган оқ ғозлар дала шийпони нарироғидаги катакларига қараб юрди. Шафақ тобора қизариб, пайкаллар узра ажиб сокинлик ёйилди. Бугун ҳам кун баракали бўлди. Тушдан сўнг ғўза майдонларининг бир қисмига навбатдаги сув оқизилди. Етилган экинларга культивация ўтказилди. Фермер орада бозорга бориб келди. Шийпондаги қозон учун рўзғорни яна бутлаб қўйди. Қайтишда сув насоси учун қандайдир эҳтиёт қисмни олишни ҳам унутмади. Пайкалдан чиқиб, уйига қайтаётганларга ҳар кунгидай "ҳорманглар", деди. Тунги суғоришда қоладиган сувчилар ишига омад тилади. Ғира-шира қоронғулик чўкаётган маҳал гуркираб турган пайкалларга яна бир бор завқ билан бир тикилиб олди-да, йўл бўйидаги "Нексия" машинасига қараб юрди. Оиласи даврасига ошиқди. Бу пискентлик фермер, омилкор деҳқон — Ўткир Маҳмудовнинг бир кунлик ҳаётидан лавҳа эди...

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

НаВоий Вилояти

**Навоий шаҳридаги "Элмурод Ўлмас" ишлаб чиқариш-савдо фирмаси иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Хориж технологияси асосида бир кеча кундузда 1 тоннага яқин нейтрон толаларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган бу корхона калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган.**

# ИШ ЎРИНЛАРИ ЯНАДА КЎПАЯДИ

— Тайёр маҳсулотлар республика бўйича ўз харидорларини топмоқда, — дейди фирма директори Улуғбек Асомиддинов. — Бундан ташқари, калава иплардан адёл тўқишни ҳам йўлга қўйдик. Банк кредити ёрдамида жорий йилнинг охирига қадар Германия технологияси асосида гилам тўқиш цехини ташкил этиш ниятимиз бор. Корхонамизда ҳозирги кунда 10 нафардан зиёд иш ўрни яратилган бўлса, янги цех ташкил бўлиши натижасида яна 60 та янги иш ўрни очилади.

Дарҳақиқат, бугунги кун тадбиркорларига меҳнат қилишлари учун барча шароитлар етарли. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида ҳам шаҳарда кичик корхоналар, микрофирмалар, оилавий бизнесни ривожлантиришга асосий масала сифатида қаралиб, шижоати баланд ишбилармонларга кенг йўл очиб берилмоқда. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланаётган "Элмурод Ўлмас" ишлаб чиқариш-савдо фирмаси жамоаси ҳам янгидан янги лойиҳаларни амалиётда қўллашга астойдил интилмоқда.

**Маърифат ШАРИПОВА**

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

# ЎҒИТ ЎҒРИЛАРИ

**Ер билан тиллашадиган бободеҳқонлар ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, баракали ҳосил етиштиришга ҳаракат қилишади. Бунинг учун эса улар ўзларига яратилаётган ҳар қандай имкониятлардан, шарт-шароитлардан самарали фойдалана билишса кифоя. Халқимизнинг доно нақли бор: ерни боқсанг – ер сени боқади. Мўл ҳосил етиштириш учун унумдор ер билан бир қаторда меъёрида қўлланилган минерал ўғитлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.**



Мамлакатимизда фермер хўжаликларини етарлича кимёвий ўғитлар билан таъминлаш, улардан тежамкорлик билан ва ўз ўрнида фойдаланишни йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ҳамда ўта муҳим ҳисобланувчи минерал ўғитларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, ташиш ва сотишни назорат қилишда самарадорликни ошириш, унинг йўқолиши, ўғирланиши ҳолатларига, портловчи моддаларни яширин тайёрлаш учун ундан компонент сифатида фойдаланиш имкониятига йўл қўймаслик ўз ўрнида хавфсизлигимизни таъминлашнинг ҳам муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 апрелдаги "Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, ташиш ва сотишни назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ аммиакли селитра биржа савдоларида ва чакана савдода сотиладиган маҳсулотлар ва товарлар рўйхатидан чиқарилган.

Лекин минг афсуски, қишлоқ хўжалиги экинларининг унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган бундай тайёр хомашёнинг қонунбузарлар қўлида пайдо бўлиб қолаётганлиги ачинарлидир.

Яқинда Тошкент вилояти божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ана шундай кимсалардан бир нечтасининг қинғир қилмишларига нуқта қўйишди.

Божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Бўка туманида фуқаро Б.Улуғбековнинг хонадони амалдаги тартибларга мувофиқ ҳамда холислар иштирокида кўздан кечирилганда, ҳовлида кавланган махсус ўрага 27 та қопда 1350 кг. аммиакли селитра минерал ўғити кўмиб қўйилган ҳолда ноқонуний равишда сақланаётганлиги фош қилинди.

Божхоначилар томонидан Чиноз тумани ҳудудида ҳаракатланаётган фуқаро А.Юлдашев бошқарувидаги "Камаз" юк машинаси тўхтатилиб текширилганда, унинг юкхонасига жойлаштирилган цистернада 7,1 тонна аммиакли селитра ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, қиймати салкам 2,3 млн. сўмлик ушбу кимёвий ўғит жиззахлик Ш.Зайиров ва Б.Муродовларга тегишли экан. Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган суриштирувларнинг бир учи божхоначиларни фуқаро Ф.Имомалиевнинг Зангиота туманидаги хонадонига етаклади. Амалдаги тартиблар асосида ва холислар иштирокида ушбу хонадон ҳам кўздан кечирилганда, бу ерда 1250 кг. шу турдаги минерал ўғит сақланаётганлиги маълум бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари ва текширув жараёнлари давом эттирилмоқда.

**Тошкент вилояти**
**божхона бошқармаси**
**Ахборот хизмати**

Қашқадарё вилояти

# Мижоз ишончи — асосий мезон

IPOTEKA BANK

**Мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, мижозларга қулайлик яратиб, энг муҳими, улар билан ишлашдаги ижодий ёндашув "Ипотека-банк" ОАТБнинг фаолияти барқарорлигини таъминлаб, тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланишига омил бўлмоқда.**

Банк томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирларда Президентимизнинг Фармон ва қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаётир. Банк фаолияти билан яқиндан танишар экансиз, ушбу ҳужжатларнинг мақсадли ишларга хизмат қилаётганига амин бўласиз. Буни молия муассасасининг Шаҳрисабз филиали томонидан амалга оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин.

Банк томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 1,7 миллиард сўмдан зиёд кредитлар берилди. Ушбу сармоялар эвазига 130 нафар киши иш билан таъминланди. Молия муассасаси томонидан мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Масалан, "Китоб темир бетон" масъулияти чекланган жамияти саккиз йилдан буён банкнинг мижози. Жамият ўтган даврда банкдан 630 миллион сўмлик кредит олиб фаолиятини янада кенгайтирди. Янги иш ўринлари ташкил этилди. Айни пайтда жамият уч минг метр куб темир-бетон ва ўн бир минг метр куб норуда материалларини ишлаб чиқариш қувватига эга. 100 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилаётган корхонада 150 нафар киши доимий иш ўрни билан таъминланган.



Молия муассасаси томонидан барча турдаги хизматларнинг йўлга қўйилиши мижозларга қулайлик яратмоқда. Жумладан, 2011 йилда 3 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси ташкил этилди. Бу билан шундай хизмат кўрсатиш шохобчаси 6 тага етди. Шохобчалар орқали 73 мингга яқин мижозга намунали хизмат кўрсатилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мижоз манфаатининг устун қўйилиши, ишончнинг мустаҳкамлиги фаолиятнинг барқарорлигини таъминлайди. Сўз юритилаётган молия муассасаси ҳам "Банк мижоз учун" тамойили асосида фаолият юритмоқда. Рақобат шароитида мижозларни кўпайтириш мақсадида янги банк хизматлари ташкил этилди. Жумладан, "Интернет банкинг" ва "СМС банкинг" дастурлари. Филиалнинг мижозлари сони 55 тага кўпайганлиги сифатли хизматнинг натижасидир. Банк ўзининг аҳоли учун таклиф этаётган маҳсулотлари – яратаётган замонавий хизматлари билан мамлакатимиздаги яратувчиликни, фаровонликни барқарор этиш жараёнига муносиб ҳисса қўшмоқда. Мустаҳкам оила йилида банкнинг янги хизматлари мижозларга ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратишда ўзига хос омил бўлади.

Молия муассасасининг соф активлари 2011 йилнинг бошида 1,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда 3,4 миллиард сўмга етди. Банк депозит базаси 2011 йилнинг бошида 1,6 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 3,3 миллиард сўмга етди. Бу қарийб 2 баробарга ўсиш демакдир.

Сирасини айтганда, ушбу молия муассасаси амалга ошираётган, маблағ йўналтираётган ишларнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Яъни банк сармоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиётга хизмат қилмоқда.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ**

Реклама ўрнида

Тошкент вилояти

# ТАДБИРКОРНИНГ ТАДБИРИ – ФОЙДА БЕРАР ҲАР БИРИ

## «АГРОБАНК» ОАТБНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ АНА ШУ ТАМОЙИЛ АСОСИДА ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

AGROBANK

**Президентимиз Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотиқ, майда ҳунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз, дея таъкидлагандилар.**

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида ушбу соҳани барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Уларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар, енгилликлар, имтиёзлар билан бир қаторда, тараққиётнинг устувор омили ҳисобланган – модернизациялаш учун имкониятлар яратилмоқда. Бу жараёнда молия муассасаларининг хизматларини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросидан келиб чиқиб "Агробанк" ОАТБнинг Тошкент вилояти бошқармасининг 1 та шаҳар ва 12 та туман филиаллари томонидан 14 мингдан зиёд мижозга банк хизматлари кўрсатилиб келинаётир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида молия муассасаси томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга 18 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар йўналтирилди. Уларни таҳлил қиладиган бўлсак, янгидан-янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолига қулайлик яратиш, пировардида, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилганлигини кўрамиз. Биргина мисол, ажратилган кредитлар эвазига 1000 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Демакки, шунча оиланинг рўзғорига барака кирди, даромади ошди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги" қарори ижросидан келиб чиқиб, банк томонидан ночор ва паст рентабелли корхоналар молиявий қўллаб-қувватланмоқда.

– Ҳозирги кунда юртимизда кам қувватли ва ночор корхоналарни модернизация қилиш, янги техника ва технологиялар билан таъминлаш борасида изчил ишлар қилинмоқда, – дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги "Хилол Мубин" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мирхидой Каримов. – Хориждан тўқув дастгоҳлари олиб келиш учун банк бизга 1 миллиард 88 миллион сўмлик кредит ажратди. Айни пайтда жамиятда 25 та янги иш ўрни яратилиб, йилига 600 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўляпмиз. Келгусида трикотаж маҳсулотлари турини кўпайтириб, экспортни йўлга қўймоқчимиз.

Йил давомида ички истеъмол бозорини юртимизда етиштирилган, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан барқарор ва ишончли тарзда тўлдириш, сақлаш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Банк томонидан ички бозорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 6 миллиард 900 миллион сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 3 миллиард 900 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Банк томонидан Юртбошимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Паркент туманидаги "Обид-ота" фермер хўжалигига чорва моллари сотиб олишга 120 миллион сўм (12 та янги иш ўрни), Бекобод туманидаги "Музаффар омад барака" деҳқон хўжалигига ҳам чорва моллари сотиб олиш учун 50 миллион сўм (6 та иш ўрни) ва "Санжарбек Асил асалари" деҳқон хўжалигида асаларичиликни ривожлантиришга 25 миллион сўм (2 та иш ўрни), шунингдек, мева-сабзавот ва картошка маҳсулотлари етиштиришга, иссиқхона ташкил этишга, балиқчиликка, паррандачиликни янада кенгайтиришга кредитлар берилди. Энг асосийси, аҳолига сифатли гўшт-сут ва асал маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси ўлароқ, банк томонидан ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга 432 миллион сўм, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга 1 миллиард 685 миллион сўм кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, "Агробанк"нинг Янгийўл тумани филиали томонидан "Рихсивой Насибали" хусусий корхонасига колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ускуналар харид қилишга 60 миллион сўм (6 та янги иш ўрни), Паркент филиалидан "Бахт" фермер хўжалигига сутни қайта ишлаш ускунаси сотиб олишга 179 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Зеро, бугун банк билан ҳамкорлик қилаётган тадбиркору фермер нафақат ўз оиласига қут-барака киритяпти, балки қўшимча иш ўринлари яратиб, юрт тараққиётига ҳиссасини қўшаётир.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ДУНЁ БОҒЛАРИГА САЁҲАТ

**Боғ яратиш ҳам санъат. Чунки у боғбондан боғларнинг шакли, кўриниши, катта-кичиклигини инобатга олиш, табиатнинг манзарасини ўзгартириш масъулиятини кўяди. Ҳеч қайси боғбон қуёш яркираши, қор ёғиши ёки дарахт гуллашини яратиб бера олмайди. Аммо у қобилиятли ва меҳнатсевар бўлса, гўзаллик ва мўъжизаларни ярата олади.**

## ВЕРСАЛ БОҒЛАРИ. ФРАНЦИЯ.



Дунёдаги энг машҳур боғлардан бири Париж шаҳридан 24 километр узоқликда жойлашган Версал боғидир. Унинг яратилиши ўзига хос сабабга эга. Қирол Людовик XIII овга жуда қизиққан. Фарзанди ҳам бу борада отасидан қолишмас эди. Шу боис, Версал саройини қайта қуришга ва унинг атрофида катта боғ яратишга қарор қилади.

1660 йил охирларига келиб, Францияда муҳташам боғ яратилди. Ушбу боққа ҳукуматнинг каттагина маблағи сарфланди.

Асосий бунёдкорлик ишлари 1700 йилда якунланган бўлса-да, қурилиш кейинчалик ҳам давом этди.

Версал боғлари 101 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, 10 минг кишига мўлжалланган. Бу ерда опера ва театрлар саҳналаштирилган, турли тадбирлар ҳамда қирол оиласининг байрамлари ўтказиб келинган.

## РИКУГИЕН БОҒЛАРИ. ЯПОНИЯ, ТОКИО.

"Рикугиен" сўзи япон тилида "олти достон боғи" деган маънони англатади.

1695 йилда Япония қироли ўзининг энг содиқ самурайига ер совға қилади. У эса туҳфа этилган ерда кўллар қазиб, кичкина тепаликлардан иборат ўзига хос рельефни яратган. Рикугиен боғларида бир қанча кўллар, ороллар, ўрмонлар ва чойхоналар мавжуд. Шунингдек, боғда 600 хилдан ортиқ дарахт турларини, қушлар ва тошбақаларни кўриш мумкин. Бу ерда кечаси 5000 дан ортиқ чироқлар ёқилганда, ажойиб манзарага гувоҳ бўласиз.



## КЛОД МОНЕ БОҒИ. ФРАНЦИЯ, ЖИВЕРНИ.

1883 йилда Клод Моне оиласи билан Живернига келганида, бу майдонга мевали дарахтлар экилган бўлиб, атрофи баланд тошли деворлар билан ўралган эди. Марказий аллея бу боғни иккига ажратиб турган. Аммо Моне барча дарахтларни чопиб ташлашга буйруқ беради. Кейин бунинг ўрнида ажойиб боғ барпо этади. Боғда гуллар асосан рангига кўра жойлаштирилган. Бу боққа Моне ҳаётининг 20 йилини бағишлаган.



## КОИНОТ БОҒЛАРИ. ЖАНУБИЙ ШОТЛАНДИЯ.

Коинот боғларининг асосчиси Чарлз Женксдир. Бу боғни яратишга унинг хотини туртки бўлган. Боғ ҳудуди унга мерос бўлиб қолганди. Боғнинг шаклини танлашда асосий эътибор табиат ва заминнинг гўзаллиги ҳамда унинг мўъжизаларини кўрсатиб беришга қаратилган. Бу боғда, жумладан, пирамидалар, илон, атом ва галактикамизнинг қора туйнуклари иллюстрациясини ҳам кўриш мумкин.

Боғ – мисоли бир китоб. Унинг ҳар бир саҳифаси инсон қалбида янги ҳис-туйғулар яратади.





Интернет материаллари асосида Зулфия АҲМЕДОВА тайёрлади.




(23 июль — 29 июль)

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04)**



Ишингизда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Ҳафта ўрталари эса янги лойиҳангизни амалга ошириш учун энг қулай фурсат. Ғайрат қилсангиз, атрофдагиларнинг ишончини қозонасиз.

**БУЗОҚ (21.04 — 20.05)**



Хушмуомала бўлганингиз боис, атрофдагилар билан тез тил топишасиз. Ушбу ҳафтада ташаббус кўрсатиб, ишға ижодий ёндашсангиз, лавозимингиз ва маошингиз ошиши мумкин.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)**



Келгуси ҳафтада бир оз сабр-тоқатли, интизомли бўлишингиз лозим. Шунда мансаб зинапоясидан юқорилай бошлайсиз. Ўз куч ва имкониятларингизга шубҳа қилмасангиз, омад сизга кулиб боқади.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)**



Бу ҳафта учрашув, воқеа-ҳодисаларга бой бўлади. Фақат кўпқиррали иқтидорингизни яширманг. Дўстлар, ҳамкасбларингиз билан мулоқотда ортиқча камтарлик қилманг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08)**



Сизга раҳбарлик лавозимини, жумладан, ижтимоий-маъмурий соҳа билан боғлиқ вазифа таклиф этишлари мумкин. Энг муҳими, ўз қобилиятингизга шубҳа қилманг, одатий турмуш тарзингиз бузилишидан чўчиманг.

**ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)**



Агар сиз шу пайтгача ота-онангизга суяниб қолган бўлсангиз, энди мустақил фаол ҳаракат қилиш фурсати етди. Ўз хатти-ҳаракатларингизга ўзингиз жавоб беришга ўрганинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)**



Ҳафта давомида яқинларингиз манфаати йўлида ишлашингизга тўғри келади. Ҳушёр бўлинг, имкониятларингизни бой берманг. Шунда омад сизга кулиб боқади.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11)**



Шу кунларда омад қуши бошингизга қўнади. Молиявий аҳволингизни ўнглашнинг айни пайти келди. Соғлиғингиз ҳақида қайғуришни унутманг. Атрофдагиларга имкон қадар ёрдам беринг.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)**



Ишхонангизда шароит ўзгариши мумкин. Оилавий ҳаётингизда ҳам янгиликлар юз бериши кутилмоқда. Ортиқча маблағингизнинг бир қисмини жамғариб борганингиз маъқул.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)**



Масъулият сизнинг қон-қонингизга сингиб кетган. Шу боис, барча ишни уддалайсиз. Ҳамкасбларингиз, дўстларингиз ва ҳамкорларингиз сизга бу борада тан беришади. Ҳафта сўнгида сизни мўмай даромад кутмоқда.

**ҚОВҒА (21.01 — 20.02)**



Ҳозир янги иш бошлашингиз учун унчалик қулай пайт эмас. Яхшиси, ҳали ечимини кутаётган муаммоларингизни ҳал этинг. Шунда илгарилашингиз осон бўлади. Баҳс-мунозаралар чоғида ён беришга ўрганинг.

**БАЛИҚ (21.02 — 20.03)**



Ниҳоят, атрофга сергак боқиб, бахт қушини тутиш учун қулай пайт етди. Ҳозир омад сиз тарафда. Ўзингизга севимли кишиларингизга ул-бул харид қилинг. Зеро, яхши харид хайрли бўлади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367). 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ

Мусаҳҳиҳ: А.ЭЛМУРОДОВ

Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-714, ҳажми 2 босма табоқ,

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 20.50

16180 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4